

Даврий нашрни етказиб бериш бўйича
ШАРТНОМА 2321

2022 й « 23 » декабрь

Тошкент шаҳар

АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» («Буюртмачи» деб аталувчи) номидан 2021 йил 20 декабрда берилган 81-11/20-сонли Бош ишончнома асосида иш юритувчи Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Ф.М.Гафуров бир томондан ва МЧЖ «ALFA PRESS» («Хизмат кўрсатувчи» деб аталувчи номидан) номидан С.С.Усманов асосида фаолият юритувчи иккинчи томондан, биргаликда «Тарафлар», алоҳида эса «Тараф» деб аталувчилар, мазкур Шартномани қўйидагилар ҳақида тузадилар:

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Хизмат кўрсатувчи мазкур шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилган рўйхат бўйича даврий босма нашрларни (кейинги ўринларда - Товар) шартномада кўрсатилган миқдорда, ассортиментда ва муддатда Буюртмачига юридик манзилига етказиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади, Буюртмачи эса Товари мазкур Шартнома шартларига асосан қабул қилиш ва Товар ҳақини тўлаб беради.

1.2. Товарнинг аниқ номи, миқдори 1-иловада белгиланади.

1.3. Мазкур Шартномага асосан Товари етказиб бериш бўйича хизмат кўрсатиш даври – 2023 йил 31 декабрь кунига қадар.

2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Хизмат кўрсатувчининг мажбуриятлари:

2.1.1. Тегишли сифатга эга Товари Хизмат кўрсатувчи ҳисобидан Буюртмачига унинг юридик манзили (Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18А-уй) бўйича етказиб бериш.

2.1.2. Мазкур Шартноманинг 1-илоvasига асосан Буюртмачига белгиланган миқдорда, ассортиментда ва муддатларда Товари етказиб бериш.

2.1.3. Хизмат кўрсатувчи Буюртмачига етказиб бериш бўйича бажарилган хизматлар далолатномаси ва ҳар ойнинг охирида етказиб берилган нашрлар бўйича ҳисоб-фактураларни тақдим этиш.

2.1.4. Нашриёт ёки даврий босма нашрни чиқарувчи бошқа шахс томонидан белгиланган Товарнинг даврийлигига асосан хизмат кўрсатиш.

2.1.5. Ҳисоб ойи давомида амалдаги қонунчилик талабларига биноан, Буюртмачи томонидан Хизмат кўрсатувчига қаратилган етказилмаган сифатсиз Товарларни етказиш бўйича талабларини бажариш.

2.1.6. Буюртмачи томонидан яроқсиз, шунингдек полиграфик яроқсиз ва маҳсулот шаклини йўқотган Товари алмаштириш тўғрисида талаб тушса, Хизмат кўрсатувчи мазкур талаб келиб тушгандан бошлаб 10 кун ичида алмаштириш мажбуриятини амалга ошириш.

2.2 Хизмат кўрсатувчининг ҳуқуқлари:

2.2.1 Мазкур шартноманинг предметига тегишли саволлар бўйича Буюртмачидан хужжатлар, маълумотлар олиш, шунингдек Хизмат кўрсатувчи ўз мажбуриятларини мазкур шартномага асосан сифатли бажариш учун керакли оғзаки ва ёзма тушунтиришлар ва тушунчалар олиш.

2.2.2. Хизмат кўрсатувчи фақат Буюртмачининг ёзма розилиги асосида 30 (ўттиз) кун олдин келишилган ҳолда 1-иловада келтирилган нашрларнинг айримларини алмаштириш ҳуқуқига эга.

2.3. Буюртмачи мажбуриятлари:

2.3.1. Товари номланиши ва миқдори бўйича кўриб чиқиш ва товар сифати лозим даражада бўлган тақдирда қабул қилиш.

2.3.2. Товар сифати лозим даражада бўлган тақдирда етказиб бериш бўйича хизматлар далолатномасини имзолаш.

2.3.3. Товар сифати лозим даражада бўлмаган тақдирда Товарни қабул қилмаган кундан бошлаб 5 иш кун ичида Товарни қабул қилмаслик сабабларини кўрсатган ҳолда хабардор қилиш.

2.3.4. Мазкур Шартноманинг шартларига асосан тўловларни белгиланган муддатда ва нарҳда амалга ошириш.

2.4. Буюртмачи ҳуқуқлари:

2.4.1. Етказиб берувчидан Шартномада белгиланган муддатларда Товарни етказиб берилишини талаб қилиш;

2.4.2. Етказиб берилмаган ёки сифати лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берилган тақдирда, 10 кун ичида Етказиб берувчидан сифатли товар билан алмаштириб берилишини талаб қилиш.

3. ШАРТНОМА НАРХИ. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси (йиллик) 31 162 000,00 (Ўттиз бир миллион бир юз олтимиш икки минг) сўмни ташкил этади, қўшилган қиймат солиғи билан.

3.2. Буюртмачи Хизмат кўрсатувчи билан ҳисоб-китобни қўйдаги тартибда амалга оширади:

Хар ой яқунлангандан сўнг Хизмат кўрсатувчи Буюртмачига ўтган ойда бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома ва ҳисоб-фактурани тақдим этади. Буюртмачи далолатнома ва ҳисоб-фактура имзоланган санадан 5 иш куни ичида тўловни амалга оширади.

3.3. Буюртмачи ва Хизмат кўрсатувчи ўртасидаги барча ўзаро ҳисоб-китоблар тўлов топшириқномаси орқали Хизмат кўрсатувчи шартноманинг 11-бўлимида кўрсатиб ўтилган ҳисоб рақамига маблағ ўтказиш орқали миллий валютаси «сўм»да амалга оширилади. Тўлов санаси Хизмат кўрсатувчининг ҳисоб рақамига маблағ ўтказилган сана ҳисобланади.

3.4. Хизмат кўрсатувчи томонидан Буюртмачига ҳисоб-фактуралар мазкур Шартномада белгиланган тартибда ва муддатда тақдим этилади.

4. ТОВАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Товарни етказиб бериш хизмат кўрсатувчи томонидан мазкур шартноманинг 2.1.1-бандида кўрсатилган манзилгача амалга оширилади.

4.2. Агарда ҳисобот даврида етказиб берилган Товарнинг миқдори ёки сифатига эътирозлар бўлса, шунингдек улар бартараф этилмаса, Буюртмачи етказиб бериш хизматлари бўйича далолатномани имзолашдан бош тортиш ва Хизмат кўрсатувчига эътироз билдириш ҳуқуқига эга. Агарда белгиланган муддат ичида Буюртмачи томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаса, ҳисобот даври учун Товар Буюртмачи томонидан эътироссиз қабул қилинган деб ҳисобланади.

4.3. Буюртмачи ҳисобот даврида Товарни етказилмаганлиги ҳақида ёзма равишда талабнома тақдим этамаган ҳолларда, етказиб бериш хизматлари далолатномасига имзо қўйишдан бош тортишга ҳақли эмас.

4.4. Буюртмачи полиграфик яроқсизликка эга Товарнинг намуналари тақдим этилганда, ўз танловига кўра қўйдагиларни талаб этишга ҳақли:

- а) ўхшаш нашрнинг намунаси (намуналари)га алмаштириш;
- б) етказилиб берилмаган Товар нарҳини қайтаришни талаб этиш.

5. МАҲФИЙЛИК

5.1. Тарафлар мазкур шартномани ижро қилган даврда, бошқа Тарафни огоҳлантирган ҳолда, бир томонлама баъзи маълумотларнинг маҳфийлигини белгилаш ҳуқуқига эга.

5.2. Тарафлар иккинчи Тарафнинг дастлабки ёзма розилигисиз мазкур шартнома бўйича бошқа томондан олинган маълумотларни учинчи шахсларга етказиш, узатиш ва ўз мақсадларига ишлатиш ман этилади.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Тарафлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар бажармаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига асосан жавобгарликка тортиладилар.

6.2. Хизмат кўрсатувчи Товарни етказиб бериш муддатида Буюртмачи тўлов бўйича мазкур шартноманинг 3.2-бандига асосан сабабли кечиктирилган ва тўпламийлиги бузилган ҳолатларда жавобгарликка тортилмайди.

6.3. Агарда Товар ўз вақтида етказилмаса, Хизмат кўрсатувчи Буюртмачига шартнома суммасининг ҳар бир кун учун 0.5 % миқдорда пеня тўлайди, аммо бу сумма шартнома суммасининг 50% дан ошмаслиги лозим.

6.4. Агарда шартнома бўйича тўловлар вақтида амалга оширилмаса, Буюртмачи Хизмат кўрсатувчига ҳар бир кечиктирилган кун тўланмаган сумма учун 0.4 % пеня тўлайди, аммо бу сумма кечиктирилган тўлов суммасининг 50% ошмаслиги лозим.

6.5. Агарда Тарафларнинг биттаси мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш форс-мажор (енгиб бўлмайдиган куч) сабабли юзага келганини исботлаб берса, шу Тараф неустойка тўлашдан озод этилади.

6.6. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган ёки уларни керакли даражада амалга оширмаган Хизмат кўрсатувчи Буюртмачига келтирган зарарларини қоплаб бериши шарт.

6.7. Тарафлар ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган 2-иловага мувофиқ, коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш мажбуриятини ўз зиммаларига олади.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар енгиб бўлмас куч (форс-мажор) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки етарли даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Мазкур вазиятлар юзага келганда Тарафлардан бири иккинчи Тарафни 10 (ўн) календар кун ичида огоҳлантириши шарт.

8. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ. ШАРТНОМА ШАРТЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ

8.1. Шартнома Тарафлар томонидан имзоланган санада кучга киради. Мазкур шартнома 2023 йил 31 декабргача амал қилади.

8.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар тарафларнинг ёзма шаклда расмийлаштирилган ва тарафлар томонидан имзоланган ҳамда муҳр қўйилган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

9. НИЗОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ТАРТИБИ

9.1. Тарафлар шартнома бўйича юзага келувчи ёки ўз мажбуриятларини бажариш оқибатида келиб чиқувчи низолар ва келишмовчиликларни келишув орқали бартараф этиш чораларини кўрадилар.

9.2. Мазкур Шартнома юзасидан Тарафларнинг бирида эътироз бўлган тақдирда, эътироз қабул қилган Тараф, уни кўриб чиқиб, иккинчи Тарафга 15 кун ичида жавоб тақдим этиши шарт.

9.3. Келишув йули билан бартараф этиш имкони бўлмаган ҳолатларда, мазкур низолар амалдаги қонунчилик доирасида Тошкент туманлараро иқтисодий судига кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

10. БОШҚА ШАРТЛАР

10.1. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган иккита бир хил нусхада, ҳар бир тараф учун биттадан тузилади.

10.2. Мазкур Шартномада тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Агарда Тарафларнинг бири ўз почта, алоқа ва тўлов реквизитларини ўзгартирганда ёки қайтадан ташкил этишга ёхуд тугатилишга дуч келганда, ушбу Тараф иккинчи Тарафни мазкур ўзгаришлар киритилгандан сўнг 5 (беш) иш куни давомида ёзма равишда хабардор этиши шарт.

11. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ

Хизмат кўрсатувчи:

МЧЖ «ALFA PRESS»

Ташкент, ул. Бухара 26
р/с 2020 8000 7054 7983 3001
БАНК: ОПЕРУ АКБ – «Капиталбанк»
МФО: 00974
ОКЭД: 46480
ИНН 308 724 438
Тел.: 90 024 52 53

Директор Усмонов С.С.



Буюртмачи:

АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»

АТБ-ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК
Х/Р 19909000600001037001
МФО-01037 ИНН-206916319
ОКЖ-96120 ОКЕД-64190
Тел: (78) 150-39-93 www.ceb.uz
ТОШКЕНТ Ш. А. НАВОЙИ КУЧАСИ-18АУ



Handwritten signatures and initials at the bottom right of the page.

2022 й « 23 » сентябрь даги


2321- сонли шартномага 1-илова

АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Марказий идораси учун 2023 йилга обуна бўлинадиган нашрлар рўйхати

| № | Даврий нашрларнинг номлари | Нашр сони | Нашрдан чиқиш вақти | Нашр тури |
|-------------------------|--|-----------|---------------------|-----------|
| Хорижий нашрлар | | | | |
| 1 | Банковское обозрение | 1 | ҳар ойда 1 марта | Журнал |
| Маҳаллий нашрлар | | | | |
| 2 | Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси | 1 | 2 ойда 1 марта | Журнал |
| 3 | Экономическое обозрение | 1 | ҳар ойда 1 марта | Журнал |
| 4 | Солиқ солиш ва бухгалтерия хисоби | 1 | ҳар ойда 1 марта | Журнал |
| 5 | Бозор пул ва кредит | 2 | ҳар ойда 1 марта | Журнал |
| 6 | Одил судлов | 1 | ҳар ойда 1 марта | Журнал |
| 7 | Кадрлар масаласи бўйича маълумот | 1 | ҳар ойда 1 марта | Журнал |
| 8 | Тафаккур | 1 | ҳар чоракда 1 марта | Журнал |
| 9 | Маънавий ҳаёт | 1 | ҳар чоракда 1 марта | Журнал |
| 10 | Илм-фан ва инновацион ривожланиш | 1 | 2 ойда 1 марта | Журнал |
| 11 | Халқ сўзи | 5 | ҳафтада 5 марта | газета |
| 12 | Правда Востока | 5 | ҳафтада 5 марта | газета |
| 13 | Қишлоқ ҳаёти | 2 | ҳафтада 1 марта | газета |
| 14 | Ўзбекистон овози | 1 | ҳафтада 1 марта | газета |
| 15 | Ўзбекистон бунёдкори | 1 | ҳафтада 2 марта | газета |
| 16 | Банк ахборотномаси, Банковские ведомости | 1 | ҳафтада 1 марта | газета |
| 17 | Биржа | 1 | ҳафтада 2 марта | газета |
| 18 | Солиқ ва божхона хабарлари ва "Норма" маслахатчи | 1 | ҳафтада 1 марта | газета |
| 19 | Янги Ўзбекистон | 5 | ҳафтада 5 марта | газета |
| 20 | Ёшлар овози | 1 | ҳафтада 1 марта | газета |

ХИЗМАТ КУРСАТУВЧИ:

БУЮРТМАЧИ:



Handwritten signature

Коррупцияга қарши курашиш шартларини

Ушбу шартнома бўйича томонлар ўз мажбуриятларини бажараётганда, уларнинг аффилиланган шахслари, ходимлари ёки воситачилари тўғридан-тўғри ёки билвосита бирон-бир шахсга пул маблағлари ёки қийматларни тўлашни таклиф қилмайдилар ва тўлашга йўл қўймайдилар. Ҳар қандай ноқонуний ҳаракатларни ёки бошқа ноқонуний мақсадларни ушбу шахсларнинг ҳаракатлари ёки қарорлари орқали қўлга киритиш тақиқланади.

Ушбу шартнома бўйича томонлар ўз мажбуриятларини бажараётганда, уларнинг аффилиланган шахслари ходимлари ёки воситачилари ушбу шартнома амал доирасида амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган пора бериш, олиш ҳуқуқбузарликларни бузувчи ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Шунингдек, жиноятдан олинган даромадларни легаллаштиришга (ювиш) қарши курашиш бўйича амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатлар талабларида назарда тутилган қонун ҳолатларни амалга оширмайдилар.

Агар томонлар ушбу банднинг ҳар қандай қоидалари бузилган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилсалар, тегишли томон бошқа томонни ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади. Ёзма билдиришномадан сўнг тегишли томон ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмагани ёки бўлмаслиги тасдиқланмагунча тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома олинган кундан бошлаб ўн иш куни ичида юборилиши керак.

Ёзма хабарномада томон контрагент, аффилиланган шахслари, ходимлари ёки воситачилари томонидан ушбу банднинг ҳар қандай қоидаларининг бузилиши содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин бўлганлигини ишончли тасдиқлайдиган ёки ишониш учун асос берадиган фактларга мурожаат қилиши ёки материалларни тақдим етиши шарт. Амалдаги қонунчиликда пора бериш ёки олиш, тижорат порахўрлик, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича амалдаги қонунлар ва халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатларни тақдим етиши шарт.

Томонлардан бири ушбу бандда тақиқланганидан воз кечиш мажбуриятларини бузган тақдирда ушбу шартноманинг 1-бандига биноан, бошқа томон ушбу шартномада белгиланган муддатда ҳуқуқбузарлик содир бўлмагани ёки рўй бермаслигини тасдиқловчи ҳаракатларни амалга оширса ёки олмаган бўлса, бошқа томонлар шартномани бир томонлама ёки бутунлай бекор қилишга ҳақли. Ушбу шартнома Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги бандга мувофиқ томонлар ташаббуси билан бекор қилинганда бундай бекор қилиш натижасида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

ХИЗМАТ КўРСАТУВЧИ:



**Кадрларни бошқариш
департаменти бош эксперти**

**Келишилди:
Бошқарув раисининг
биринчи ўринбосари**

БУЮРТМАЧИ:



Б.Х.Намазов

Ф.М.Гафуров